



Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони

Ўзбекистон ижодкорлари жамғармасини тузиш тўғрисида

Адабиёт, санъат ва меъморчилик намоёндаларининг ижодий фаоллигини рўйбга чиқариш учун шарт-шароитларни янада яхшилаш, бозорга ўтиш шароитларидан уларнинг турмуш даражасини ошириш ва ижтимоий ҳимояланганлигини таъминлаш мақсадида:

1. Ўзбекистон ижодкорлари жамғармаси тузилсин.
2. Қуйидагилар жамғарма фаолиятининг асосий йўналишлари деб ҳисоблансин:
— Республика ижодий уюшмаларининг моддий-техникавий ва молиявий негизини мустаҳкамлаш;
— ижод намоёндаларига, уларнинг оилаларига маънавий, моддий, тиббий ва бошқа ёрдам кўрсатиш;
— ижод, дам олиш уйлари, уй-жой, дала ҳовлилари қуришда ва бошқа қурилиш турларида молиявий ёрдам кўрсатиш;
— ижодкор ходимларнинг пенсия таъминотини яхшилаш.
3. Жамғарманинг моддий-техникавий негизини ривожлантириш ва мустаҳкамлаш, унга молиявий ёрдам кўрсатиш учун Ўзбекистон Республикаси Президентини ҳузуридаги Вазирлар Маҳкамасининг резервидан 3 миллион сўм ажратилсин.
4. Ўзбекистон Республикаси Президентини ҳузуридаги Вазирлар Маҳкамаси

мазкур фармонни рўйбга чиқаришни ташкилий жиҳатдан таъминлаш учун қарор тайёрласин ва қабул қилсин, унда: — Ўзбекистон ижодкорлари жамғармаси тўғрисидаги ном лойиҳасини тайёрлаш;
— Ўзбекистон ижодкорлари жамғармасининг таъсис конференциясини ўтказиш, унда жамғарманинг кенашини ва бошқарувини сайлаш, уставини қабул қилиш назарда тутилсин.

5. Республиканинг ҳўжалиги органлари, корхоналари, ташкилотлари ва муассасалари раҳбарларидан Ўзбекистон ижодкорлари жамғармасига моддий-техника ресурсларини ариштиришда ҳамда ўз даромадларидан мумкин бўлган маблағларини ўтказишда амалий ёрдам кўрсатиш суралсин.

Жамғарма ва унинг таъсисчилари билан корхоналар, колхозлар, совхозлар, муассасалар ва ташкилотларнинг маъмуриятлари ўртасида ижодий ҳамкорлик ҳамда уларнинг меҳнат жамоаларини маданий хизмат билан таъминлаш тўғрисида шартномалар тузишни амалиётга янада кенг жорий қилиш мақсадида мувофиқ деб топилин.

Ўзбекистон Республикаси
Президенти
И. А. КАРИМОВ.
Тошкент шаҳри,
1991 йил 22 октябрь.

Ислом КАРИМОВ, Ўзбекистон Президенти: БИЗ КОНФЕДЕРАЦИЯ ТАРАФДОРИ

Маълумки, Ўзбекистон давлат мустақиллигини эълон қилган билан республика бир неча ўн йилликлар мобайнида вужудга келган алоқани бузмасликни, ягона иқтисодий ҳамкорликда қолиб, шунингдек, янги Иттифоқ шартномасига имзо чекишни ҳам режалаштирмоқда.

— Ислом Абдуғаниевич, ҳозир сўзини барчанга тўқилантириб турган саволдан бошлай қолай: Сизнинг назарингизда янги Иттифоқ шартномасининг имзоланиши ва қабул қилинажак янги Конституциянинг истиқболлари қандай?

— Ҳозирги босқичда биринчи гада янги бозор муносабатларини ҳисобга олган ҳолда ягона иқтисодий ҳамкорлик билан боғлиқ бўлган республикаларо ва регионларо интеграция масалалари ва муаммоларини ҳал этиш лозим. Бундан биз бозорга бора олмаймиз ва энг муҳими — келмаётган кишини ўта оғир кечирамиз. Шунинг учун ҳам ҳозир худди билан ҳал қилишни талаб этилаётган энг долзарб масаладан бири бу — Иттифоқ шартномасини имзолашдир. Меҳнат Назарим да, август ўзгариши арафасида имзоланишига тайёрланган ҳужжат эндиликда

мутлақо яроқсиз. Бугунги кунда биз янги шартномага унда конфедератив Иттифоқ принциплари сақланиши шартли билангина имзо чекишимиз мумкин.

Янги Иттифоқ Конституцияси масаласига келсак, айтишим мумкинки, янги келажакда бундай ҳужжат ишлаб чиқиш учун ўттир ахтир ҳужжат қуришга бўлиб қолди.

— Ислом Абдуғаниевич, Ўзбекистон иқтисоди ҳақида гапирганда пахтани эсламай иложимиз йўқ. Жумҳурият бу қимматбахў усимликни етиштирувчи асосий ўлкалигича қилайти. Айтганча, 1991 йил ҳосилининг аҳоли қандай?

— Республикада пахтакорларни учун бу йилги пахта ўта мураккаб келди. Май ойларида ёққан дўл аралаш жалалар нағизасида экин майдонларининг турдан бири айрон бўлди. Зарар кўрган пайкаларнинг ярмидан кўпрогини бу

пайта муомаласини истаган пайтада кўриб чиқишимиз мумкин. Бунинг учун бизда имконият ҳам, жорий этилажак ақчамизнинг барқарорлигини таъмин этишга қодир иқтисодий қудрат ҳам етарли. Мен бу ўринда Ўзбекистон худудидан топилган ва қовлаб олинаётган юксак сифатли олтин захираларини назарда тутаяман. Бироқ биз ҳозирча бирон бир ўзгариш қилиш ниятида эмасмиз. Ахир ўзгариш иқтисодий ҳамкорликчилик ягона молиявий-люта тартибисиз қуруқ гап бўлиб қолади.

— Ислом Абдуғаниевич, Ўзбекистон иқтисоди ҳақида гапирганда пахтани эсламай иложимиз йўқ. Жумҳурият бу қимматбахў усимликни етиштирувчи асосий ўлкалигича қилайти. Айтганча, 1991 йил ҳосилининг аҳоли қандай?

— Республикада пахтакорларни учун бу йилги пахта ўта мураккаб келди. Май ойларида ёққан дўл аралаш жалалар нағизасида экин майдонларининг турдан бири айрон бўлди. Зарар кўрган пайкаларнинг ярмидан кўпрогини бу

қайта экишга тўғри келди. Бу эса шубҳасиз пахта толасининг таннархига таъсир этади. Жорий йилда хомчўлларимиз бўйича 4,5 миллион тонна пахта хом ашёси йиғиштириб олишни мўлжаллаб турибмиз. Пахтачиликда иқтисодий самардорликни ошириш, шунингдек, пахта етиштирувчи ҳўжалиқларнинг моддий-техника ресурсларини сотиб олишда ортиқча сарфланаётган ҳаражатларни қисман бўлса-да қоплаш мақсадида республика Вазирлар Маҳкамаси шу йилдан эътиборан пахта хом ашёси ва толасининг улгуржи ва чакана нархларини ўртача 50 фоизга ошириш ҳақида қарор қабул қилди.

— Ўзбекистон пахтаси биржа товари бўладими?

— Менимча биз шундай кунга етиб келдик. Товар ва хом ашёни марказдан туриб таъсирлашдек ярағмас тартиб ўз ўзининг ҳақиқий бозор муносабатларига бўшаёб бериши шубҳасиз. Бозор муносабатларининг энг муҳим жиҳатларидан бири биржадир. Ўзбекистон биржаларида

ўзаро битим асосида маҳсулот айирбошлаш билан биргаликда, пахтага халқимиз ахтирчи учун зарур бўлган моллар, қурилиш материаллари, саноат асбоб ускуналарини алмаштириш бошлаб юборилди.

— Кейинги пайтларда Ўзбекистонда қузатилётган биржавий шов-шувларга қандай қарайсиз?

— Бунинг ажабланирли жойи йўқ, бундай ҳолини мен табиий бир жараён деб ҳисоблайман. Қолаверса бу бозор муносабатлари барқарорлашиб, эрини ишбилармонлик ривож топиб бораётганидан далолат.

— Айтишларча, Ўзбекистонда биржалар фаолиятига доир қонун тайёрланаётган экан?

— Ҳа, шундай қонун лойиҳаси республика парламентининг навбатдаги сессияларидан бирида депутатларимиз ҳўкумага ҳавола этилади.

— Сўхбатингиз учун ташаккур.

Сўхбатдош Юрий ГАЛЛИМОВ, «Деловой мир» рўномаси, 16 октябрь 1991 йил.

И. А. КАРИМОВ ЎЗБЕКИСТОН ХДП АЪЗОСИ БЎЛДИ

Ўзбекистон Республикаси Президентини И. А. Каримов Халқ-демократик партиясининг аъзоси бўлди.

Ҳозирги вақтда таъсис сўзидини қабул қилиш ташкилот комитетиغا КПСС аъзоларидан қайта рўйхатга олишни сўраб 250 мингтадан кўпроқ ариза тушди, сал кам 55 минг киши Ўзбекистон

ХДПга аъзо бўлиб кириш истагани билдириди. Қайта рўйхатга ўтказиш ва янги партиёга қабул қилиш давом этмоқда.

Шаҳар ва район таъсис конференцияларининг иши ниҳоятга етмоқда. Бу конференцияларда делегатлар янги сиёсий ташкилотнинг матбуотда эълон қилинган дастури ва низоми лойиҳаларини чуқур ва янги муҳокама қилишмоқда. Бу муҳим ҳужжатларга аниқ-равшан мулоҳаза ва тақдирлар киритмоқдалар. Шу йилнинг 25—26 октябрь кунлари Ўзбекистон Халқ-демократик партиясининг Қорақалпоғистон республика, вилоятлар ва Тошкент шаҳар таъсис конференциялари иш бошлайди.

МИННАТДОРЛИК ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ МАТБУОТ ХИЗМАТИ ХАВАР ҚИЛАДИ:

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 4 октябрьда чиқарган фармонига кўра 1991 йилдан бошлаб белгиланган топшириқдаги пахта толаси ва пиланинг 5 фоизини ҳамда белгиланган ҳаддан ортқича олинган мазкур маҳсулотларнинг ҳаммаси мамлакат ичарисидан ва ундан ташқарида ҳам давлат, жамоа ҳўжалиқлари, ижарачилар ва бошқа кишлоқ ҳўжалиги корхоналари томонидан иқтисодий равишда сотилиш жиҳуриятимиз дала меҳнатқашларининг моддий манфаатдорлигини оширишга қаратилган муҳим тадбир сифатида баҳоланмоқда.

Ҳа, келинг, шунга кўра Алишер Навоий номи колхоз 230 минг долларлик пахта сотсин. Энди бир долларнинг қийматини сўмга чиқиб, деҳқоннинг чўнтагига тушайтган даромаднинг чўгини ўзингиз ҳисоб-китоб қилиб кўринг.

Алишер Навоий номи жамоа ҳўжалиги бошқарувининг раиси М. Раҳматовнинг маълум қилишича, колхозчилар ушбу фермонни мустақил муносабатларига қўйиб, янги баҳоланиш ишларига қўйиб кўринг.

Шунингдек, Чуст районидagi «Ўзбекистон», Уйтағидаги «Улук» номи жамоа ҳўжалиқлари ва Поп районидagi «Найман» давлат ҳўжалиги меҳнатқашлари номидан йўлланган телеграммаларда ҳам пахта ва пилла сотишдаги имтиёзлар учун республика ҳўкумати миннатдорчилик изҳор этилган.

Қарши райони меҳнатқашлари номидан келган телеграммаларда ушбу самимий сўзлар битилган:

«Республика мустақиллигини таъминлаш йўлида олиб борилаётган ишларни тўла қўллаб-қувватлаймиз. Деҳқон меҳнатини юксак қадрлаб, пахта толаси ва пилла сотишда колхоз ва совхозларга берилган бу имтиёزلардан ниҳоятда хурсандимиз.

Ўзбекистоннинг равақи ва оёсийшталлиги йўлидаги ишларда муваффақиятлар тилаймиз!»

Деҳқон — ҳисобдон халқ. Ушбу фармон бўйича чўнтагига тушадиган даромаднинг дарҳол чўнта солиб кўради. Мисол учун Чортоқ районидаги Алишер Навоий номи жамоа ҳўжалиги 815 гектар дала пахта етиштирган. Режа бўйича 36,2 центнердан жами 2 минг 950 тонна пахта сотиш керак эди. Бунинг 5 фоизи 147,5 тонна. Далада эса ками билан олганда ҳар



Коммунистик районидagi Свердлов номи жамоа ҳўжалиги далаларида ҳар кун 43 та машина тўла қувват билан ишлатилмоқда. Уларнинг ёрдамида хирмонга 180-200 тонна пахта тўқилапти. Бригадаларо беллашууда эса

Жўрабег Орипов, Эрнест Ли, Абдумутал Акбаров бошлик жамоалар пешқадимлик қилаётирлар.

СУРАТЛАРДА: 1. Бригада бошлиги Абдумутал Акбаров [ўртада] механизаторлар Р. Рисбоев, М. Турдалиев ва А. Қиссанбоев меҳнатдан манамун: жамоада ҳар гектар ердан 32 центнердан хирмон қўтарилиб, йиллик режа ошириб бажарилиди.

В. МОЛЫГАЧЕВ олган суратлар.

«ЧОРИ» ФИРМАСИНИНГ НОЁБ МАҲСУЛОТЛАРИ

XXI аср техникаси — 21 октябрь кунини Ўзбекистон Республикаси Халқ ҳўжалиги ютуқлари кўргазмасида очилган Япония «Чори» фирмасининг кўргазмасини қисқача ана шундай таърифлаш мумкин. Ўзбекистон Республикаси савдо-саноат палатаси, «Узлеетром», республиканинг ташқи савдо ташкилотлари унинг ташкилотчилари бўлишиди.

Бу ерда нималар намойиш этилмапти дейсиз? Видео ва аудиоаппаратлар, электрон тикнув ва тўқув машиналари, кам литражли автомобильлар, телефон аппаратлари ва автомат жавоб қайтаргичлар,

соатлар, қайиқ моторлари, электрон торозилар, мусиқа асбоблари... «Чори»нинг доминилмайиб турадиган ва келишимли вакиллари сизнинг биргина илтимосингиз билан электрон товарларнинг конструкциясини тушунириб, унинг қандай ишлатилиши намойиш этишга қодим, шу билан бирга ўрганинг, бизнинг сиздан ишларидан сиримиз йўқ, дегандек чиройли буклетин соғва ҳам қиладилар.

— Бу кўргазмани ўтказишдан мақсад — Ўзбекистоннинг, қўшни ўрта Осиё Республикаларининг аҳолисини, ташкилотларини «Чори» фирмаси маҳсулотлари билан таништиришдан иборатдир. — дейди фирма бош директорининг ўринбосари Х. Ташпир. — «Чори» ваколатхонаси Тошкентда 1989 йилдан буён фаолият кўрсатмоқда. Шу вақт ичиде кўп ишлар амалга оширилди. Пахта, шойи, турли чигитлар билан савдо қилиш кеңгайди. Республикадаги Мустақиллик кўргазмасида декларация қабул қилганини, унинг халқаро бозорга мустақил чиқиши ўзаро манфаатли ҳамкорлик учун кең истиқболлар очади. Ҳозир биз Ўзбекистон Республикасида қўшма корхоналар ташкил

этиш ҳақидаги масалани ишлаб чиқмоқдамиз. Бу — Ўзбекистон билан «Чори» фирмаси ўртасидаги иқтисодий муносабатларнинг сифат жиҳатдан янги даражасидир.

Шуни айтиш керакки, Ўзбекистон Республикаси Халқ ҳўжалиги ютуқлари кўргазмасига қўйилган ҳамма маҳсулотни «Чори»нинг ўзи ишлаб чиқармайди. У жаҳонга машҳур бўлган «Брозер» (саноат ва рўзгор тикнув машиналари), «Камон» (фотоаппаратлар, нуҳа кўчирги машиналари), «Ханис» (ичкик ҳамжамил асқоваторлар ва ағдарма машиналар), «Судзуки» (кам литражли авто

мобиллар), «Сони» (телевизорлар, видеомагнитофонлар, аудиоаппаратлар)...ни жалб этиди, аниқроғи уларнинг молларини намойиш этмоқда. Умуман кўргазмада 40 та тармоқнинг 600 дан зиёроқ номдаги маҳсулотлари қўйилган.

— Биз «Чори» фирмаси билан икки томонлама иқтисодий муносабатларни ривожлантиришга катта аҳамият бермоқдамиз. — деб ҳисоблайди Ўзбекистон Республикаси савдо-саноат палатасининг раиси Д. Ю. Мирсаидова. — Бизнинг самарали ҳамкорлигимиз ўн йилдан ортқича вақтдан буён да

вом этиб келмоқда. Эндиликда у янги омилга эга бўлиши керак. Ўзбекистон Республикаси Халқ ҳўжалиги ютуқлари кўргазмасида октябрь ойида намойиш этилаётган кўргазма ҳам шунга қўйилган.

Япониянинг «Чори» қўшма фирмаси «Чори» қўшма фирмасининг тантанали очилишида Ўзбекистон Республикаси Президентини ҳузуридаги Вазирлар Маҳкамаси раисининг ўринбосари Ф. Қ. Исмомов, Ўзбекистон Республикаси ташқи ишлар вазирини Ш. Н. Маҳмудова иштирок этидилар. (ЎзТАГ).

ЎЗАРБАЙЖОН ПРЕЗИДЕНТИНИНГ САМАРҚАНДА БЎЛИШИ

Ўзарбайжон Президенти А. Муталибов бошчилигидаги республика делегацияси 20 октябрь кунини Самарқандда эътибор қилди. Ўзбекистон Республикасининг Президенти И. А. Каримов ҳам меҳмонлар билан бирга бўлди.

Самарқанд аэропортида делегацияни халқ депутатлари вилоят кенгашининг раиси П. М. Абдураҳмонов, вилоят ижроа қўмитетининг раиси Т. Р. Қилчиев, шаҳар раҳбарлари кутиб олдилар. Меҳмонлар қадимий шаҳарнинг тарихий ёдгорликларини, диққатга сазовор жойларини кўздан кенчирдилар. Улугбек расадхонаси, Регистон меъморо

чилиқ дурдоналари, Биҳоким масжиди уларда катта таассурот қолдирди. Делегация Алишер Навоий музейига борди, шонор таваллудининг 550 йиллигига бағишлаб ўрнатилган ҳайкал лойиҳа гулчамбар қўйди.

Ўзарбайжон делегацияси шаарфақига зىфат берилди. Шу кунини Ўзарбайжон делегацияси Самарқанддан Бокуга жўнаб кетди. Аэропортда делегацияни Ўзбекистон Республикасининг Президенти И. А. Каримов, халқ депутатлари Самарқанд вилоят кенгашининг раиси П. М. Абдураҳмонов, Бошқа расмий кишилар кўзатиб қолдилар.

Сафарнома

[Озир. Боши ўтган сонларда]

Тарихий маълумотлардан Ипирхон ҳаёти қандай кечган, унинг асли исми нима ва қайси шароитда ўлган, деган саволларга жавоб топиш қийин. Уйғурча Ипирхон деган исми хитойча «Сянг пэй гуянг» номининг таржимаси бўлиб, у «муаттаб аёл» маъносини англатади. Демак, аёлининг асли исми бошқа бўлган. Халқ орасида унинг ҳақида жуда кўп ривоятлар ва ҳикоятлар тўқилган. Ҳатто Ипирхон манъжур истилоҳларига қарши курашган қарамон аёл қилиб тасвирланади. Офзоқўжа мақбарасида бизга тушунтирилганча, Ипирхоннинг қабри мақбарата кирмида ўнг томонда — чет-роқда экан.

Офзоқўжанинг мақбарасини зиёрат қилар эканмиз, мени бир нарса жуда ҳайратга солди. У ҳам бўлса, атрофидаги бешовин мазор. Унга хослиги шундаки, қабристури катта-кичик, бир-бирига зич жойлашган сағаналарга тўла, орасида йирик шахслар ва уларнинг оила аъзолари хил-хоналари бўлиб, устига қурилган гумбазлар мусулмон

лар йиғилиб, бизни шод хушрамлиқ билан кутиб олдилар. Иш кун бўлишига қарамай атроф гавжумлашиб кетди. Ҳаммининг диққат-эътибори делегация аъзоларида эди. Пиллапоёллардан кўтарилиб, чиройли ва нафис нақшлар солинган икки тобақали дарвозадан суз сапиб, сулуриб чинидай ҳолга келтирилган масжид ҳовлисига кирдик. Ичкарида хилма-хил дарехтлар, айниқса баланд ва бир-бирига яқин ўсаётган, атрофга соя, қурқ ва тароват бериб турган кўк тоғлар кишида ҳавас уйғотади, дил равшан тортади. Масжид биносининг пешайвонига чиқадиган зина яқинига келганимизда бизни оппоқ соқоли қўқисига тушиб турган имом, бошқа хизматчилар кутиб олдилар. Қўришиш ва танишиш маросими туугач, пешайвонга кўтарилидик. Бизни масжид тарихи билан таништиришди. Кейин делегация аъзолари оёқ кийимларини таъқирда өчиб, гилмлар солинган катта залга киришди. Ҳаммининг гилла устига ўтиргач, делегация бошлиғи, вице-президент Ш. Р. Мирсанов ўзбек халқининг саломини имомларга етказди, улардан ҳол-аҳвол сўради ва ўзининг Қашқар шаҳрига келиб мажмур қадимий тарихий жойини зиёрат қилишга муяссар бўлганидан бағоят хурсанд эканлигини айтди. Сўнгра Ўзбекистонни эслатиб турадиган соғва топширди ва сўхат-саломатлик, тиңлик-омонлик тилади. Имомлар эса биринчи марта Ўзбекистондан келган олий даражали меҳмонлар билан ўзларини бахтиёр ва хурсанд сезаётганларини изҳор қилдилар. Делегация аъзоларига сўхат-саломатлик тиллаш билан бирга ўзбек халқига, уларнинг раҳбарларига меҳмонлар номидан салом айтишни сўрадилар.

Масжиднинг катта залидан чиқиб, унинг икки томонидаги хоналарни ҳам кўрдик. Унг томондаги киши хонада деворларидаги нақшлар ва ерга тўшалган катта гулли чиройли гилмлар билан бошқа хоналардан ажралиб турар эди. Пешайвоннинг тўсинларига синчиқлаб разм солдим. Гарчи улар устидаги бўёқлар бироз эскириб қолган бўлса-да, нақшлари ниҳоятда дид билан ишлангани кишини ҳайратга солади. Тўсинлар устидаги саррофлар ҳам жуда усталик билан безатилган.

УНУТИЛМАС ВЕШ КУН

халқларининг қадимий мазорларини эслатади. Қўзга ташланган яна бир нарса шуки, бизда одат тусига кириб қолган эомонавий қабр тошлари қўйилмаган. Сағаналарнинг катта-кичинлиги эса дафн қилинган кишининг ёши, мартабаси ва хали орасидаги фарқни билдириши мумкин. Мазор ичиде оилавий қабрлар ҳам кўп. Битта сулпаннинг устига бир неча катта-кичик сағаналар жойлаштирилган.

Офзоқўжа мақбарасидан чиқиб, Ҳайитгоҳ масжиди ва мадрасасини зиёрат қилдик.

ҲАЙИТГОҲ МАСЖИДИ

Ҳайитгоҳ масжиди катта ва қадимийдир. Ҳайит намозлари, жума намозлари ва кундалик беш вақт намоз ўқиладиган даргоҳ бўлганлиги учун жоме масжиди деб ҳам аташар экан. Уни Синьцзян-Уйғур мухтор ўлкасидаги Барча масжидлардан устун қўйишда чет эллик сайёҳларнинг эътироғи ҳисобланади. Масжиднинг улуғлишига яна бир сабаб шуки, унинг тарихида дунёга машҳур бўлган Ҳайитгоҳ мадрасаси бўлиб, бу ерда кўплаб олимлар, уламо-лар фаолият кўрсатганлар.

Масжиднинг катта залидан чиқиб, унинг икки томонидаги хоналарни ҳам кўрдик. Унг томондаги киши хонада деворларидаги нақшлар ва ерга тўшалган катта гулли чиройли гилмлар билан бошқа хоналардан ажралиб турар эди. Пешайвоннинг тўсинларига синчиқлаб разм солдим. Гарчи улар устидаги бўёқлар бироз эскириб қолган бўлса-да, нақшлари ниҳоятда дид билан ишлангани кишини ҳайратга солади. Тўсинлар устидаги саррофлар ҳам жуда усталик билан безатилган.

Ҳайитгоҳ масжиди 1460 йилда (ҳижрий 864 йил) битказилган, яъни 18 йил мобайнида бунёд этилган. У ўзининг узоқ умри давомида бир неча марта таъмирланган. Тарихий манбалардан маълум бўли-

шча, қадимда масжиднинг ўрни мазор экан, унга Қашқарда ўтган амирлар ва хонлар дафн қилинганлар. Масжиднинг майдони — 16800 квадрат метр. У асосий даразохона, бир-бирига улашиб кетган намоз ўқиладиган бир неча хоналар, тўсинли пешайвон, ювнадиган хоналар, дарсхоналар ва ётоқхоналардан иборат. Асосий дарвоза икки тобақали бўлиб, ҳар бирининг кенглиги — 2,15, баландлиги — 4,7 метр. Икки томонига баландлиги 18 метрлик биттадан минора қурилган. Уларнинг устига чиқиб азон айтлади. Ҳайит кунлари дарвоза тепасидаги том устида қарнай, сурай ва ногора чалинади. Намоз ўқиладиган катта хонанинг узунлиги — 39, зини — 13,5 метр, учта эшик орқали кирилади. Пе-

бун бутун масжид биносининг узунлиги билан тенг (тахминан 50—60 метр) бўлиб, зини — 15 метр. Пешайвон томини кўтариб туриш учун яхлит ёғочдан ясалган ва юза қисмига турли нақшлар солинган юздан ортиқ тўсин қўйилган. Даразохонанинг тепасида катта гумбоз, Масжид атрофида 36 та хўжра қурилган. Намоз ўқини учун оқдэй кунлари мингга ақин, жума кунлари эса 6—7 минг киши келади, дейишди. Ҳайит намозига эса ўн минглаб одам йиғиларкан. Масжид саҳнига синмаган намозхоналар ҳар икки томондаги кўчалару майдонларга жойламоқ солинади. Бу влоийб иморат Хитой Халқ Республикасида ўтказилган маданий инқилоб даврида хунвай-бинлар томонидан бузиб ташла ва маҳаллий ҳукумат раҳбарлари жиддий қаршилик кўрсатиб, зўрга сақлаб қолишган. Лекин шундан кейин масжид анча вақтгача ёпиб қўйилган. Маданий инқилоб туугач, Синьцзян — Уйғур мухтор ўлкаси ҳукумати махсус қарор чиқариб, Ҳайитгоҳ масжидини қайта очган ва таъмирлаган.

Ўзбекистон ҳукумат делегациясига бириктирилган машиналар Ҳайитгоҳ майдонига келиб тўхташ билан дарҳол одам-тарих фанлари доктори.

Ташқари томоннинг тўрт бурчагида тўртта минора бор. Ҳар бирининг айланаси — 2, баландлиги — 18 метр. Мақбарига қирадиган эшик девордан сал олдинга чиқариб ўрнатилган, икки ёнида пештоқдан бироз қиёбда турган ярим минора жойлаштирилган. Мақбарга деворининг қалинлиги бир метр бўлиб, тўрт томонга дариларча очилган. У бир неча марта таъмирланган. Ҳозирги шакли 1870—1877 йилларга, яъни пискентлик Екуббек Бадаловнинг Қашқарни пойтахт қилиб, Йаътишар давлатини бошқарган даврга тўғри келади. Мақбаранинг баландлиги 27 метр, усти катта гумбаз билан ёпилган. Қабр хонасининг кенглиги — 36x27 метр, унга жами беш авлод вакиллари бўлиши 72 киши дафн қилинган. Шуларнинг ичиде энг каттаси Офзоқўжанинг буяси Эшон Калоннинг отаси Муҳаммад Юсуф ва бошқалар бор. Офзоқўжанинг угли Яъхўжанинг кенжаси (манъжурлар ҳумронлик қилган даврда цзюнаван, яъни кичик хон лавозимини эгаллаган), уларнинг болалари ва неваралари дафн қилинган. Қабр устидаги сағаналар бир-биринга яқин қилиб жойлаштирилган. Катталиги марҳумнинг ёши ва мартабасига қараб белгиланган.

Офзоқўжа мақбараси тарихида катта дарвоза, бог, ҳовуз, мазор, мадраса, масжидлар бор. Агар асосий мақбарга битта ҳам ёғоч ишлатилмаган бўлса, масжид асосан ёғоч ва ёғочдан қурилган. Унинг шакли ип ҳарфига ўхшаш бўлиб, пешайвонини 60 дан ортиқ 8 қиррали яхлит

ХОНАДОНДА «НАФОСАТ» БЎЛСИН ДЕСАНГИЗ

Ҳозирги долғали паллада кун сайин бир янгилик туғилиб турибди. Шу туйфайли муштарийлар билан тез-тез мулоқотга чиқиш зарурати сезилмоқда. Ҳаёт талабларига амал қилиб, «Санъат» ойнамаси ҳам ўз йўналишига айрим янгиликлар киритди. Яъни у 1992 йил январь ойидан бошлаб «НАФОСАТ» номи билан чиқа бошлайди. Шу ўринда азиз муштарийларимизга ном ўзгаришининг бир жиҳатини алоҳида эслатиб ўтишимиз керак. Гап бошқа ном қўйилишида эмас, туб си-

ОБУНА-92

фат ўзгариши хусусида бормоқда. Келгуси йил биринчи сондан эътиборан фақатгина санъат соҳаси билан чегараланиб қолмасдан, ҳаёт, инсон, жамиятдаги нафосат, экология жараёни мувозанатини сақлаш каби мавзулар ҳам кенг ёритиб борилиши режалаштирилган. Ешларимиз маънавияти жуда катта муаммо бўлиб турибди. Уғил ва қизларимизни юксак эстетик ва маънавий руҳида тарбиялашда «НАФОСАТ» ҳам Сизга энг яқин йўлдош, кўмакдош, маслаҳатгўй бўлиб қолади. Шунингдек, ойнама саҳифаларидан маданий меросимиз, миллий қадриятларимиз салмоқли ўрин олади. Ойнама мустақил Ўзбекистонимиз ва бошқа жумҳуриятларнинг ҳар бир хонадонига кириб бориши учун «НАФОСАТ» га обуна бўлиш лозим. Унинг бир сенининг нархи обуна учун 1 сўм 30 тийин, чакана савдода 1 сўм 50 тийин. Йиллик обуна баҳоси эса 15 сўм 60 тийин. Индексимиз — 75324. АСАД АСИЛ, ойнаманинг масъул котиби.

* СПОРТ * * СПОРТ * * СПОРТ *



Яқинда Тошкентда ногоронлар ўртасида футбол бўйича жаҳон чемпионати бўлиб ўтди. Финалда Сальвадор билан Тошкентнинг «Матонат» командалари учрашдилар. Уйнда ҳисоб очилмади. Ун бир метрли жарима тўли тешиши «Матонат»чилар беҳато бажаришди.



СУРАТЛАРДА: «Матонат»чилар жаҳон кўбоғи совдорини; финал учрашуви пайти. Ф. ҚУРВОНБОВЕВ олган суратлар.

ҒОЛИБЛАР

Яқинда Санкт-Петербург шаҳрида Грек-рим кураши бўйича СССР кубоғи бўлиб ўтди. Унда республикамиз вакиллари 5 киши қатнашди. 57 килограмм вазндаги курашчилар баҳсида ҳамшаҳримиз Искандарбек Ҳамраев биринчи ўринни олган бўлса, 48 килограммга вазиликларидан Дмитрий Коршунов иккинчи бўлди. 100 килограммга вазидаги Қарши меҳнат резервалари вакили Эсон Кенжаев учинчи ўринни эгаллади. Э. ЯҮЛДОШЕВ.

БЎРСИЛДОҚ НОНЛАР

Термиздаги янги нон комбинати дастлабки маҳсулотини ишлаб чиқарди. Ҳозирча бу ерда учта линиядан битта ишламоқда, у тўла қувват билан ишла бошлаганида бир кеча-кундузда 32,5 тонна нон ва булка тайёрланади. Олмаота мутахассислари лойиҳалаган корхонада жарайвларни автоматлаштириш кўзда тутилган. Бу ерда реконструкция қилиш мўлжалланмоқда. Шундан сўнг корхона ташкикулча маҳсулотлари ва Шарқ ширинликлари ишлаб чиқаришга иختисослаштирилади. [ЎЗАТ муҳбири].

ОМСКХИМПРОМ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ БИРЛАШМАСИ

Корхонамизга қуёшли Ўзбекистон ноз-неъматларини безовита етказиб берувчи ишончли ҳамкорларни қидирамиз. Биз қуйидаги маҳсулотларни келишилган нархда сотиб олиш ва айирбошлаш ниятидамыз:
- ҚИШГА САҚЛАНДИГАН ОЛМАЛАР.
- ОЛМА, УРИҚ, ШАФТОЛИ, ОЛХУРИ, ГИЛОС ҚИЕМИ ВА ПАВИДЛОЛАР.
- ЛИМОНЛАР.
- КОНСЕРВАЛАНГАН ҚИЗИЛ ПОМИДОР, БОДРИНГЛАР.
- АНОРЛАР.
- ҚУРУҚ МЕВАЛАР.
- УРИҚ, ШАФТОЛИ, ОЛМА, ГИЛОС, ОЛМА-УЗУМ ШАРБАТЛАРИ.
- ШАРҚ ШИРИНЛИКЛАРИ.
Бизнинг маҳсулотлар ҳар қандай харидорни ўзига тортади. Сизга пластмасса буюмлар керакми? МАРҲАМАТ!
Ошхона учун, ванна учун, айвон ва дам олиш хонаси учун мебель. Пластмасса пақир, тоғора, ванналар, вазалар, болалар ўйинчоқлари, бўртма панно, ёдгорлик буюмлари ва бошқалар.
МУАММО ЙЎҚ-„ОМСКХИМПРОМ“ СИЗНИНГ ХИЗМАТИНГИЗДА!
Ўз ҳамкорларимизга панд бермаймиз!
Мулоҳазалар ва талабнома хатларини қуйидаги манзилга юборинг: 644035. Омск, ПО «Омскхимпром», Овқатланиш комбинати. Телетайп: 21-63-63 Пластик, Телефакс: 65-98-88. Телефонлар: 66-80-44, 66-81-16.

Муассис: Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши
МАНЗИЛГОҲИМИЗ: 700000, ГСП
Тошкент шаҳри, Ленинград кўчаси, 19-уй
Телефонлар: 32-09-67, 33-07-48. Индекс: 64608. Буюртма № 6147. 118800 нусхада чоп этилади.
Бош муҳаррир вазифасини бажарувчи: Н. С. САЪДУЛЛАЕВ.
Таҳрир ҳайъати: А. А. АБДУЛЛАЕВ, Ф. Я. АБДУРАҲИМОВА, И. Г. ВОЛКОВ, Д. М. ГУЛОМОВА, С. С. ГУЛОМОВ, З. И. ЕСЕНБОВ, А. И. КОВАЛЕВ (масъул котиб), Л. П. ҚАНОМОВ, Тоҳир МАЛИК, М. МУҲАММАДҚУЛОВА, С. Ф. МУҲИДДИНОВ (масъул котиб), Т. Э. НАЗАРОВ (бош муҳаррир ўринбосари), З. Қ. НОРМУҲАМЕДОВ, Л. Н. ПАК (бош муҳаррир ўринбосари), Т. Р. ПИДАЕВ, М. РУЗИМАТОВ, О. Р. САМДОВ (бош муҳаррирининг биринчи ўринбосари), В. Н. СИГДИН, Ш. ТЕМУРОВ.